

616.0  
И 780

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДМОНОВА З.Р., БОБОКУЛОВ Н.А.



## ЎТКИР СИЙДИК ТУТИЛИШИ

*Тиббиёт олий ўқув юртларининг талабалари, магистратура  
резидентлари, клиник ординаторлар ва врач-урологлар  
учун ўқув-услубий қўлланма*

W 78

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
 ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
 САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Ўз РССВ Фан ва ўқув юртлари  
 бош бοшкarmаси бοшлиги  
  
 Ў.С. Исмаилов  
 2015 й « 10 » 11  
 № 9 баённома

**«КЕЛИШИЛДИ»**


Ўз РССВ Тиббий таълимни  
 ривожлантариши маркази  
 директори  
  
 М.Х. Алимова  
 2015 й « 10 » 11  
 № 9 баённома

**ЎТКИР СИЙДИК ТУТИЛИШИ**

*Тиббиёт олий ўқув юртларининг талабалари, магистратура  
 резидентлари, клиник ординаторлар ва врач-урологлар  
 учун ўқув-услубий қўлланма*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 SOGLIQNI SAQLASH VAZIRLINGINING  
 TIBBİY TALIMNI RIVOJLANTRISH  
 MARKAZI TOMONIDAN  
 RO'YHATGA OLUNDI

244  
 15.08.2015



Самарқанд 2015

Тузувчи: Шодмонова З.Р. - СамМИ урология курсининг мудири,  
тиббиёт фанлари номзоди

Бобокулов Н.А. - СамМИ урология курси асистенти, ўкув  
ишлари буйича маъсул

Тақризчилар:

Мирхамидов Ж.Х. – т.ф.н., доцент (Тошкент тиббиёт  
академияси)

Ахмеджанов И.А. – т.ф.д., профессор (Самарқанд давлат  
тиббиёт институти)

Аллазов С.А. – т.ф.д., профессор (Самарқанд давлат  
тиббиёт институти)

Ўкув-услубий кўлланма Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг Марказий  
илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган.

«28» август 2015 й. Баённома № 1.

Ўкув-услубий кўлланма Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг Илмий  
Кенгашида тасдикланган.

«2» сентябрь 2015 й. Баённома № 1.



Илмий Кенгаши хотиби

Давлатов С.С.

## **АННОТАЦИЯ**

Ўткир сийдик тутилиши – сийишнинг бузилиши (дизурия)нинг энг кўп учрайдиган турларидан бири бўлиб, бунда кишида тўсатдан, сийишга кучли хоҳиш бўлган холда мустакил сийолмаслик вужудга келади. Ўткир сийдик тутилишигага бошқа (бош мия, асаб тизими, ўсмалар, рухий касаллик) аъзоларнинг касаллклари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Аммо бундай холатларда bemorlar kuponcha, avvalo urolog врачларга мурожат қилишади.

Ўткир сийдик тутилиши урологик касаллкларнинг қарийиб 10-15%ида учрайди. 70 ёшдан ошган эркаклар ўртасида бу кўрсаткич 30-40%ни ташкил қиласди (1,3,7). «Ўткир сийдик тутилиши» мавзусидаги мазкур ўкув-қўлланмада ушбу симптомнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган урологик ва бошқа сабаблар тўғрисида, уларни аниклаш, бартараф қилиш усууллари, bemorlar koursatiladigan шошилинч (биринчи) ёрдам хақида тўлиқ маълумотлар келтирилган. Беморларнинг ёшига, жинсига кўра катетеризация қилиш, троакар цистостомия, перкутан цистостомия, эпицистостомия операцияларига кўрсатмалар ва бажариш техникаси батафсил ёритилган.

Қўлланманинг охирида мавзу юзасидан берилган назорат саволлари, тестлар, вазиятли масалалар ва расмли тест саволларини ечиш орқали олинган натижалар ўкувчининг ушбу мавзуни қай даражада ўзлаштирганлигини баҳолашга имкон беради.

«Ўткир сийдик тутилиши» мавзусидаги ушбу ўкув-услубий қўлланма медицина олий ўкув юртларининг талабалари, магистратура резидентлари, клиник ординаторлар ва врач-урологлар учун мулжалланган.

## **ЎТКИР СИЙДИК ТУТИЛИШИ КИРИШ**

Сийдик ажратиш тизими ва жинсий система органларининг кўпгина касаллклари ўзига хос белгилар билан ўтадики, бу урологик касаллкларнинг умумий кечишига ўзига хос тус беради. Шулардан бири бу сийишнинг

бузилиши, яъни дизурия хисобланади. Беморларда дизуриянинг хилма-хил кўринишлари (поллакиурия, странгурия, ишурия, олигакиурия ва х.к.) кузатилиши мумкин. Аммо урология амалиётида шундай холатлар мавжудки, бунда бевосита зудлик билан врач аралашувига эҳтиёж сезилади. Ана шундай шошилинч холатлардан бири сийдикнинг ўткир тутилишидир.

**Машғулотнинг мақсади:** Урологик касалликларда сийишнинг бузилиши сабаблари, унинг турлари, ривожланиш механизми, диагностика ва даволашдаги аҳамияти ҳамда касалликларни ўзаро фарқлашдаги ролини ўргатиш.

### Машғулотнинг услугий режаси

1.	Эрталабки клиник конференцияда катнашиш, курс мудирининг клиникадаги bemорларни умумий кўриқдан ўтказишида иштирок этиш ва урология бўлимнинг амалдаги иш фаолияти хақида маълумотга эга бўлиш	25 дақика
2.	Сийдик ажратиш тизими ва эркаклар таносил аъзоларининг функционал анатомияси, нормал сийиш жараёни тўғрисида талабалар билимининг мукаммаллик дарражасини оғзаки савол-жавоб усулида баҳолаш	20 дақика
3.	Танаффус	5 дақика
4.	Бўлимдаги bemорлар микрокурацияси. Врач ва bemор ўртасидаги муомала маданияти (деонтология коидаларига риоя қилган холда). Bеморларни кўриқдан ўтказиш, улар билан сухбатда шикоятларини ўрганиш.	30 дақика
5.	Танаффус	5 дақика
6.	Дизурия, унинг турлари хақида маълумотга эга бўлиш, келиб чиқиш сабабларини, ривожланиш механизми, давомийлиги, характеристига кўра қайси касалликка хослигини аниқлашни ўрганиш. Ўткир сийдик тутилишида биринчи ёрдам кўрсатиш усувлари.	45 дақика
7.	Танаффус	10 дақика
8.	Диагностика ва даволаш манипуляцияларида ҳамда операцияларда катнашиш, жароҳат боғламларини алмаштириш, амалий қўнималарни ўрганиш	45 дақика
9.	Катта танаффус	40 дақика

10.	Мавзу буйича талабаларнинг билимини тест, амалий кўнишка, холатий масалалар ечиш асосида баҳолаш. (moodle.sammi.uz )	45 дақика
11.	Танаффус	5 дақика
12.	Беморларга диагностика мақсадида ўтказилган кўшимча текшириш усуллари (касаллик тарихи, цистоскопия, рентгено радиологик, УТТ, КТ, МРТ, урофлоуметрия текширишлар) натижаларини ўқитувчи раҳбарлигига мухокама килиш ва ўрганиш	45 дақика
13.	Танаффус	10 дақика
14.	«Троакар, перкутан цистостомия» тўғрисидаги фильмни кўриш. Машгулот давомида пайдо бўлган саволларга жавоб бериш, moodle.sammi.uz асосида назорат тестлари ёрдамида талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолаш ва машгулотга якун ясаш. Уйга вазифа топшириш ва янги мавзуни қисқача мухокама қилиш	30 дақика

**Ўтиш жойи:** РШТЁИМСФ нинг урология бўлими, bemorlar палатаси, муолажа, боғлов хонаси, операция хонаси, уролог хонаси, УТТ хонаси, КТ хонаси, қабул бўлимида уролог хонаси.

**Амалда қўлланилиши:** Урологик касалликларда сийишнинг бузилишига олиб келувчи омилларни пухта ўрганиш. Ўткир сийдик тутилишида биринчи ёрдам кўрсатиш, касалликнинг диагностикасида ва унинг асоратларининг олдини олишда, барвакт аниқланган симптомларнинг аҳамиятини тўғри тушунтириш.

**Талабаларнинг машғулотдан ташқари тайёрланиш учун саволлар:**

1. Нормал сийиш жараёни қандай булиши лозим?
2. Урологик касалликларда сийишнинг бузилишининг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш механизми.
3. Урологик касалликларда аниқланадиган дизуриянинг турлари ва уларнинг диагностикадаги аҳамияти.
4. Ўткир сийдик тутилишида УАШ нинг тактикаси?
5. Ўткир сийдик тутилишида даволаш усуллари?
6. Катетерларнинг турлари?

7. Катетеризацияга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар?
8. Ўткир сийдик тутилишида инструментал даволаш усуллари?
9. Эпистистомия нима, кўрсатма ва қарши кўрсатмалар?

#### **Талабанинг бажарадиган мустақил ишлари:**

1. Талабалар урологик касалликларда учрайдиган сийишнинг бузилишига олиб келадиган *симптомларни* ўз вақтида аниқлашга ўрганиши, bemорлардан анамнез йигиши, касалликнинг этиопатогенези ва клиник кечишини аниқлаш мақсадида объектив текшириш ўтказиши лозим.
2. Талабалар сўраб-сурештириш йўли билан bemорларда кузатиладиган сийдик ажралишининг бузилишининг (*дизурия*) турларини аниқлаши лозим.
3. Талабалар bemорларда сийиш жараёнини кўз билан кўриб (босими, давомийлиги ҳаракати, ва ҳок.) аниқлаши керак.
4. Талабалар лаборатория, ультратовуш ва рентген-радиологик текширувларни ўтказиша бевосита иштирок этиши, олинган натижалар асосида ўткир сийдик тутилишига олиб келган сабабларни баҳолай билиши лозим.
5. Урологик касалликларда аниқланган ўткир сийдик тутилиши бўлган bemорларни кам инвазив, инструментал усуллар билан даволашда иштирок этиши.
6. Ўткир сийдик тутилиши бўлган bemорларни жарроҳлик усулида даволашни кузатиш.

#### **Талаба бажара олиши лозим бўлган амалий қўнималар:**

1. Урологик касалликларда учрайдиган симптомларнинг сабабларини аниқлай олиши (анамнез йигиши, шикоятларини ўрганиш).
2. Ўткир сийдик тутилишида bemорларнинг шикоятларини аниқлаш, кўрикдан ўтказиш, буйракларини, қовуқни, уретра ва простата безини пайпаслаш, Пастернацкий белгисини аниқлай олиш.
3. Сийишнинг бузилишининг ҳарактерига қараб патологик жараён локализациясини тахминан аниқлаш.
4. Ўткир сийдик тутилишида биринчи тиббий ёрдам кўрсата билиш.

5. Умумий қон ва сийдик таҳлилини натижаларини баҳолай билиш.
6. Сонограмма ва умумий урографияни үкиб, таҳлил қила билиш.
7. Юмшоқ ёки металл катетер ёрдамида қовукни катетеризация қила олиш.

#### **Машғулотнинг жиҳозланиши:**

1. Moodle.sammi.uz
2. Жадваллар.
3. Слайдлар.
4. Видеофильмлар.
5. Беморлар.
6. Рентгенограммалар.
7. Сонограммалар.
8. Компьютер томография натижалари.

### **ЎТКИР СИЙДИК ТУТИЛИШИ**

**Сийдик тутилиши (ишурия)** ўткир ва сурункали бўлади. Сийдикнинг ўткир тутилиши тўсатдан бошланади ва қовуқ тўлиб туради, сийишга қистов бўлишига қарамасдан сийдик чиқмайди, қориннинг пастки қисмида оғриқ пайдо бўлади. Баъзи ҳолларда сийдикни ўткир тутилиши сийишга истак бўлмаганда ҳам булиши мумкин. Кўпинча бундай тутилиш нерв–рефлектор бўлиб, ҳар хил операциялардан кейин, bemor тушакда чалқанча ётганида, кучли ҳаяжонланиш ҳисси пайдо бўлганда кузатилади. Бундай ҳолда сийдик тутилиб қолишини ануриядан (ковуқда сийдик йўклиги) ажратиш керак, бунда ҳам сийишга истак бўлмайди.

**Этиология.** Ўткир сийдик тутилишига олиб келувчи сабабларнинг қуйидаги турлари тафовут қилинади: механик, функционал ёки нейроген бузилишлар оқибатида ҳамда баъзи дори препаратларини узок вақт давомида қўллаш (4,9,10).

#### **Механик сабаблар:**

- Простата безининг хавфсиз гиперплазияси;
- Простата безининг раки;

- Ўткир простатит;
- Уретранинг торайиши;
- Қовуқ буйинчасининг склерози;
- Қовуқдаги ёт жисм;
- Уретрадаги ёт жисм
- Қовуқ ўсмалари;
- Сийдик каналининг ўсмалари;
- Бачадоннинг пастга тушиши;
- Қовуқ ва уретранинг тошлари.

- **Нейроген сабаблар:**

- Орқа миянинг шикастланишлари;
- Умурткаларапо диск чурралари;
- Тарқоқланган склероз;
- Бош миянинг ўсмалари;
- Орқа миянинг ўсмалари;
- Шок холатларида;
- Бош миянинг контузияси;
- Инсульт ва бошқалар.

- **Қовукнинг рефлектор функционал бузилишлари:**

- Огриқ;
- Атроф мухитнинг ўта совуқ бўлиши (жуда паст температура);
- Тўғри ичакда, аёлларда жинсий аъзоларида ёки оралиқ соҳасида утказилган операциялар пайтида қовукнинг иннервациясининг бузилиши (қисман денервацияланганда);
- Чаноқ ва оралиқ соҳасининг травмаларида;
- Оёкларнинг оғир шикастланишларида;
- Кучли эмоционал холатларда;
- Алкоголдан мастилик холатларида;
- Кучли кўркув;
- Истерия ва бошқа холатларда.

- Қуидаги баъзи дори препаратларини қабул қилинганда:
  - наркотик анальгетиклар;
  - адреномиметиклар;
  - бензодиазепинлар;
  - антихолинергик препаратлар;
  - трициклик антидепрессантлар;
  - антигистамин препаратлар ва бошқалар.

**Патогенези.** Ўткир сийдик тутилишинг патогенезида асосан механиқ ва динамик факторлар мухим рол уйнайди. Кекса ёшдаги эркакларда мунтазам равиша сийдикнинг чиқишига тұсқинлик құлувчы қовук ичи обструкциялари (инфравезикал обструкция)га жавобан (механиқ фактор) қовук девори мушакларининг m. detrusor vesicae ҳам тонуси ошади. Натижада қовукнинг нерв бошқарилуви бузилиб детрузорнинг гипертрофияланишига олиб келади. Қовук деворининг гистоморфологик структураси аста-секин ўзгариб, мушак элементлари бириктирувчи тұқима билан алмашиналади. Қовук деворида трабукуляр ўзгаришлар содир бүләди ва қовукнинг сиғими (хажми) катталашади. Кейинчалик жараён давом этиши натижасида эса детрузор хужайраларыда гипотония (динамик фактор) юзага келади ва касалликнинг декомпенсация босқичи ривожланади. Бунақа холатларда хар қанақа таъсиrlовчи факторлар (ұта совук котиш, алкоголь истеъмол қилиш, ұта аччик овқатлар тановули, узоқ ўтириб қолиши, ич котиши ва х.к.) кичик чаноқ бўшлиғида веноз қон димланишига олиб келади. Шу сабабли қовук буйинчаси веналарининг кенгайиши кузатиласи, простата безида шиш пайдо бўлади ва уретранинг простата қисмиде деформацияланиш (механиқ компонент) ҳамда босилиш сабабли, детрузордаги патологик ўзгаришлар фонида *ўткир сийдик тутилиши* ривожланади.

**Диагностикаси.** Ўткир сийдик тутилиши, одатда, сийдик оқимига сурункали тұсқ өрнеги натижасида пайдо бўлади. Простата безининг хавфсиз гиперплазияси (аденомаси) ва раки, уретра торайиши, сийдик чиқариш

каналининг ичидағи ёки қовуқ бүйинчасидаги тош ва ўсмалар унинг энг кўп сабаблари ҳисобланади. Қовукни катетерлаш сийиш жараёни бўлмаганда ташхислаш (сийдик ўткир тутилишини ануриядан ажратишига имкон беради) ва даволаш учун катта аҳамиятта эга. Сийдик пассажини инфравезикал соҳада бузувчи ҳар-хил обструкциялар (қовуқ бүйинчаси склерози, уретра қопқоғи (клапан) ва торайиши, қовуқ ва сийдик чиқариш канали тоши, катта ўлчамдаги уретероцеле) болаларда сийдикнинг қисман тутилиб қолишига сабаб бўлади.

Қовуқ бүйинчаси соҳасида ёки сийдик чиқариш каналида ёки детрузорнинг гипотониясида сийдик оқимига қисман тўсиқ бўлганда сийдикнинг бир қисми қовуқда қолса (қолдиқ сийдик), *сийдикнинг сурункали тутилиши* пайдо бўлади. Детрузорнинг кучизланишига қараб қолдиқ сийдик ортиб боради. Сийдикнинг сурункали тутилиши простата безининг хавфсиз гиперплазияси (аденомаси) ва раки, қовуқ бүйинчаси склерози, уретранинг торайиши ва бошқаларда кузатилади. Агар меъёрда сийиб бўлгандан кейин қовуқда бор-йўғи 15–20 мл сийдик қолса, сийдикнинг сурункали тутилишида эса унинг сони 100–200 мл гача (баъзан 1 литргача ва кўпроқ) бўлади.

Қолдиқ сийдик миқдорининг кўпайиши ва қовуқнинг борган сари чўзилиб бориши нафакат детрузорни балки сфинктернинг ҳам нимфалажини келтириб чиқаради. Бундай ҳолларда бемор бемалол сия олмайди ёки сийишига қисташ бўлганда фақат оз миқдорда сийдик ажралади. Шунинг билан бир вақтда қовуқдан ноихтиёрий равишида, доимо, сийдик томчилаб чиқиб туради. Шундай қилиб, беморда сийдик тутилиб қолиши билан бирга сийдик тутаолмаслик ҳам кузатилади. Бундай ҳолат *парадоксал ишуря* деб аталади. Бу простата бези хавфсиз гиперплазияси (аденома) нинг III босқичида, орқа миянинг шикастланиши ва бошқа касалликларида кузатилади.

Қовуқ соҳасидаги оғриқ сийдик тутилиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Сийдикнинг сурункали тутилишида қориннинг пастида оғирлик сезгиси пайдо бўлади. Сийдикнинг ўткир тутилишида, оғриқ жуда қаттиқ, чидаб бўлмайдиган даражада бўлади.



*Расм. 1. Ўткір сийдик тутилишида қовуқнинг қорин олдинги деворининг күриниши*

### **Парадоксал ишурия**

Сийдик тұлғы тутилиши (парадоксал ишурия) даги сийдик тутолмаслик ташхиси нисбатан осон, чунки дизурияның бу тури секин ривожланади ва субъектив ҳамда объектив симптомларнинг күплигі билан бошқа дизуриялардан фарқ қиласы.

Парадоксал ишурияда беморлар сийдикни ихтиёrsиз равищда томчилаб туришидан, қов устидаги оғриқдан, оғиз қуиши ва чанқашдан шикоят қиласылар.

Анамнестик маълумотлардан bemorларда ҳар хил турдаги инфравезикал обструкция ёки нейроген генезли детрузор етишмөвчилик борлиги қайд этилади.

Беморнинг ташқи күринишини, қов соҳаси ва жинсий аъзолар күрикдан ўтказилғанда күпинча сурункали буйраклар етишмочилиги (СБЕ) учун характерлы белгилар билан бир қаторда, қориннинг олдинги девори киндик атрофигача шишиб кетганлиги ва доимий равищда уретрадан сийдик томчилаб оқиб туриши аникланади. Беморлардан эса сийдик хиди келиб туриши сезилади.

Пальпация пайтида ҳаддан зиёд тұлиб кетган қовуқ аниқ пайпасланиши, унинг юқори чегараси баъзан ханжарсимон үсимтагача етиб бориши қайд этилади (4,5,6).

Перкуссияда тұлған қовукдан бүғиқ овоз эшитилади. УТТ пайтида қовукни сийдик билан тұлиб турғанлығы ва парадоксал ишурияга сабаб тош, простата гиперплазияси, ұсма ёки простатитлар аникланади.

Баъзіда, кекса ёшдаги кишиларда, спазмолитиклар инъекция қилингандан сұнг ҳам, айниқса күпинча аввал мавжуд бўлған урологик касалликлар фонида (м: простата безининг аденоңасида) ўтқир сийдик тутилиши кузатилиб туради.

Шундай қилиб умумий амалиёт шифокори (УАШ) ҚВП шароитида сийдик тутолмасликни баъзи турларига ташхис қўйиш учун маълум имкониятга эга бўлади. Барча беморлар ихтисослашган стационарга йўлланадилар ва у ерда текширишлар оқиригача етказилади. УАШ дан сийдик тутолмаслик ва сийдик ушлаб туролмасликни дифференциал диагностикаси талаб қилинади, чунки иккинчи турдаги дизурия нафакат урологик касалликларда учраб, у бошқа касалликларда: сил, ұсмалар ва бошқаларда ҳам учраб туради. Шунинг учун сийдик тутолмаслик билан хасталанған bemorлар касалликни нозологик шаклига қараб дислокация қилиш жойини аникланади.

### **Сийдик тутилишига олиб келадиган касалликлар**

**Фимоз** – чекка кертомакнинг торайиши бўлиб, олат бошласини уни ёпиб турувчи тери қопламидан очилишига халақит беради (расм 2).



*Расм. 2. Фимоз пайтида сийшиниг бузилиши*

Фимозда күпинча баланопостит келиб чиқади. Чекка кертмак тешигининг кескин равишида яқол торайишида сийдик тутилиши ва уретерогидронефроз пайдо булиши мумкин. Фимоз жинсий олатда ұсма ривожланишига мойиллик омили булиб хисобланади.


Хотин – қызларда баъзан уретероцеленинг қовуқдан сийдик чиқариш канали орқали ташқарига чиқиши кузатилади, бу сийдикнинг ұткір ёки сурункали тутилишига сабаб булиши мумкин. Бундай касаллиқда баъзан пайдо булувчи парадоксал ишурия (сийдик тутилиши билан унинг ноихтиёрий чиқишининг құшилиб келиши) энурез деб нотуғри баҳоланади. Узок вакт ташхисланмаган уретероцеле юқори сийдик йүлларининг кенгайиши, пиелонефрит, уртерит, цистит ривожланиши, тош ҳосил булишининг сабаби булиши мумкин.

Ұғил болаларда ұткір циститнинг клиник күриниши тез–тез ва оғриқли сийиш пайдо булиши билан ҳарактерланади, қызларда бу антибактериал терапия фонида 2–3 сутка давомида тездә йүқолади. Ұғил болаларда сийдик яллиғланган қовуқ бүйинчалик орқали ұтганда санчиқли оғриқ булиши сабабли баъзан ұткір сийдик тутилиши кузатилади. Ұткір циститда жараёнга қовуқ бүйинчалик жалб қилиниши сабабли, оғриқ оралиққа, орқа чиқарув йүлиға ва жинсий олат бошчасига узатилади. Айниқса 7–12 ёшдаги болаларда сийишга императив истак бүлганилиги сабабли күпинча сийдикни сохта тутолмаслик пайдо булади (болалар хожатхонагача югуриб боришига улгурмайды ва сийдикни ҳақиқиетті тутолмаслик түғрисида тасъурот туғилади). Ұткір циститда қовуқнинг юмшаган ва яллиғланиб қонақ турған шиллиқ қаватидан у қисқарғанда қон ажралыши сабабли гематурия терминал булади. Терминал гематурия айниқса қовуқ бүйинчалик сабаби қовуқ учбурчаги күпроқ заараланганда пайдо булади.

Ұткір цистит бүлгандықтан ұғил болаларда ұткір сийдик тутилишини қовуқ ва сийдик чиқариш каналидаги тош билан дифференциация қилиш мақсадда мувофиқдир. Анамнез маълумотлари, ультратовуш ва рентгенологик текширишлар күп ҳолларда түғри ташхис қўйиш имконини беради.

Паренхиматоз простатит учун йирингли яллигланиш жараёнининг яққол клиник кўриниши хосдир. Гавда харорати юқори ( $39\text{--}40^{\circ}\text{C}$  гача), қалтираш, умумий дармонсизлик, чанқаш, сийганда ва дефекацияда интенсив оғриқ, қийналиб сийиш, баъзи беморларда эса простата безининг шиши ва сийдик чиқариш каналининг қисилиши билан боғлиқ ўткир сийдик тутилиши рўй беради (3,8,10).

Простата бези суюклигида лейкоцитлар сони кўп бўлиб, лецитин доначаларининг сони эса камаяди. Простата безини бармоқ билан ректал текширганда унинг катталашганлиги, таранглашганлиги, контурларининг ноаниқлиги, кескин оғриқлилиги аён бўлади.




Расм. 3. Ўткир сийдик тутилишига олиб келадиган асосий урологик касалликлар

Агар простата безининг абсцесси ҳосил бўлса, унда флюктуация жойи аниқланади. Простата бези абсцесси учун оралиқда (кейин эса тўғри ичакда) пульсация қилувчи кучли (интенсив) оғриқ, сийганда ва дефекацияда кескин оғриқ, унинг батамом тўхтаб қолишигача қийналиб сийиш, абсцесс сийдик

чиқариш каналига ёрилғандан кейин эса сийдикнинг бирдан лойқаланиши айни бир вақтда гавда хароратининг меъёрга келиши кузатилади. Простата бези абсцесси оғир септик касаллик каби кечади ва агар ўз вақтида оператив даволаш ўтказилмаса, унда бактериемик (эндотоксик) шок, уросепсис пайдо бўлиши мумкин.

**Простата аденомасининг тез-тез бўладиган асорати сийдикнинг ўткир (тўлик) тутилиши бўлиб, бу касалликнинг ҳар қандай босқичида кузатилиши мумкин. Битта ҳолатда – бу обструктив жараённинг кульминацияси детрузорнинг қисқарувчанлик қобилятигининг декомпенсацияси билан биргалиқда қўшилишидан, бошқа ҳолатда сийишнинг бузилиши симптомлари ўртача ифодаланганлиги фонида сийдикнинг ўткир тутилиши тўсатдан ривожланади, баъзан эса касалликни клиник намоён бўлишининг биринчи симптоми бўлади.**




*Расм. 4. а – нормал простата бези; б – простата бези аденомаси*

Сийдикнинг ўткир тутилишига олиб келадиган омилларга парҳезнинг бузилиши, спиртли ичимликлар ёки зиравор маҳсулотларни кўп сонда истеъмол қилиш, совқотиш, қабзият, қовукни ўз вақтида бўшатмаслик, стресс ҳолат, баъзи бир дориларни (антихолинергик дорилар, антидепрессантлар,

диуретиклар, кальций ионлари антагонистлар ва б.) қабул қилиш булиши мүмкін.

Простата бези хавфсиз гиперплазияси (аденома) бұлған беморларда сийдикнинг ўтқир тутилиши ривожланишида симпатик нерв тизимининг фаоллашишига сабаб бұладиган нейродинамик омиллар мұхим роль үйнайды (11,14,15). Қовук девори айниңса қовук учбұрчаги соҳасининг чўзилиши ҳаддан ташқари, симпатик нерв охирларини стимуляция қиласы да ә-адренорецепторларни (расм 5) фаоллаштиради, бу қовук бўйинчали, простата бези ва сийдик чиқариш каналининг простата қисмидаги мушак элементларининг тонуси кучайиши натижасида уретрадаги қаршиликни ошишига олиб келади. Уретра ичидаги қаршиликнинг зурайиши ва уретранинг простата қисмини гиперплазияланган тўқима билан механик қисишлиши сийдик оқимига яққол тўсик бўлади.



Расм 5. Қовук ва простата безидаги адренорецепторлар

Сийдикни ўтқир тутилишининг дастлабки босқичида қовукнинг ички босими детрузорнинг қисқарувчанлик фаоллиги кучайиши ҳисобига ошади. Кейинги босқичларда қовук деворининг ҳаддан ташқари чўзилиши ва унинг қисқарувчанлик қобилиятынинг сусайиши натижасида қовуқнинг ички босими пасаяди, бу сийдикнинг ўтқир тутилишини бартараф қилишни шубҳали қилиб қўяди.

Простата бези хавфсиз гиперплазияси симптомларининг зўрайиши ҳам простата бези ичи инфарктлари пайдо бўлишига олиб келади, улар кўпинча жаррохлик йўли билан даволанган bemорлардан олинган гистологик намуналарда топилади. Анамнезида сийдикнинг ўткир тутилиши бўлган bemорларнинг 85% ни морфологик текширганда простата безининг инфаркти аниқланади, шу билан бир вақтда сийдик тутилиши бўлмаган bemорларда бундай ўзгариш фақат 3% да кузатилади.

Хозирги вақтда клиник амалиётда простата безининг аденонаси бўлган bemорларни даволашда селектив α1-адреноблокаторлар: празозин, альфузозин, доксазозин, теразозин ва селектив α1 A-адреноблокатор тамсулозин муваффакият билан кўлланилмоқда. α-адреноблокаторлар вазофаол (празозин, доксазозин, теразозин) ва вазофаол бўлмаган (альфузозин, тамсулозин) турларга бўлинади. Аниқланганки, уларнинг ҳаммаси солиштириб бўладиган клиник таъсир кўрсатади: клиник симптомларни ўртacha 50–60 % га камайтиради, сийдик оқимининг максимал тезлигини 1,5–3,5 мл/с (30–47 %) га оширади, колдиқ сийдик миқдори тахминан 50 % га камаяди. Адреноблокаторлар тўплаш ва бўшатиш симптомларига таъсир кўрсатади.

Улар кундузги ва тунги поллакиурия яккол бўлганда, сийишига императив истак бўлганда, озгина ёки ўртacha динамик обструкция пайдо бўлганда bemорларда айниқса яхши самара беради. Кўрсатилган дори моддалари билан даволаганда простата безининг ҳажми ва бу бези специфик антигенининг даражаси ишончли ўзгаргани қайд қилинмаган. Дориларни узок муддат қабул қилганда ўткир сийдик тутилишининг пайдо бўлиши камайганлиги аниқланган.

Буйрак шикастланишининг энг ҳарактерли белгиси гематурия бўлади, унинг хусусияти ва давомийлиги буйрак шикастланишининг даражасига ва жойига боғлик. Гематурия кечки (иккиламчи) бўлиши мумкин, бунга, одатда, тромбнинг йирингли эриши сабаб бўлади. Одатда, гематурия шикаст етгандан кейин 4–5 кун давом этади, алоҳида ҳолларда буйрак шикастланишининг огирилгигига қараб, йўлдош яллигланиш жараёни бўлганда, бу касалликнинг кечишини асоратлаши мумкин, ҳамда қоннинг ивиш ҳолатига қараб у 2–3

хафтагача ва ундан кўп вақт давом этиши мумкин.

Болаларда кучли гематурия қўпинча қовук тампонадасига сабаб бўлади, бунда сийишга кескин оғрикли кисташ, қисман ёки тўлик сийдик тутилиши кузатилади.


**Уретра шикастланганда симптомлари ва клиник кечиши** шикастланишнинг механизмига, унинг хажмига ва характерига боғлик бўлади. Уретра шикастланишининг энг кўп ва характерли симптомлари уретроррагия, сийдикнинг тутилиши ва оралиқда гематома (урогематома) ҳосил бўлиши хисобланади.

**Уретроррагия** шикастланишининг симптоми сифатида шикастлангандан кейин ёки ўша заҳоти сийишга биринчи уринища пайдо бўлади. Шуниси характерлики, уретранинг ташки тешигидан қон сийиш акти бўлмагандан ажралади (уретроррагия). Бу симптом энг кўп сийдик чиқариш каналининг олдинги қисми ёрилганда кузатилади. Сийдик чиқариш каналининг орқа қисми шикастланганда сийишга уриниш бўлганда қон кетиши инициал (дастлабки) гематурия шаклида намоён бўлиши мумкин. Қўпинча бундай уриниш факат озгина сийдиксиз қон ажралишига олиб келади. Сийдик чиқариш каналидан қон келмаслигининг сийдик тутилиши билан бирга қўшилиб келишига уретра тўлик ёрилганда учларининг силжиши, унинг қон ивиндиси билан бекилиб, қолиши, гематома билан босилиши сабаб бўлади. Сийдикнинг ўткир тутилишигача сийишнинг бузилиши биринчи навбатда уретранинг ёрилиш характерига боғлик. Сийдик тутилиши тўлик ва қисман, камдан–кам ҳолларда вақти–вақти билан рўй бериши мумкин, бунда сийишга уриниш озгина сийдик ажралиши билан тугалланади. Агар уретранинг ўтказувчанлиги сақланган бўлса, сийдикнинг ўткир тутилишигача бўлган сийишнинг бузилиши унинг ичига ўтмаган ёрилишларида кузатилиши мумкин. Сийишга уринища уретрада ва оралиқда оғриқ кескин кучаяди, бунинг натижасида бемор сийишни рефлектор равишда тўхтатади.

Сийдик чиқариш канали отилган жарохатининг асосий белгиси уретроррагия ва сийишнинг бузилиши бўлади. Агар уретранинг осилиб турган

(тана) кисми алоқида юзаки шикастланган бўлса, асосий симптоми уретрани ўраб турган тўқималардан, уретранинг ташки тешигидан ва сийган вақтда ярадан қон кетиши, баъзан эса сийдик тутилиши бўлади. Уретранинг оралиқ кисми жароҳатланганда бунга ёрғоқ ва оралиқ гематомаси (урогематома) кўшилади.

Уретранинг оғир комбинацияланган шикастланишида ЭНГ аввал шок ва қон йўқотиш сабабли ярадорнинг оғир ҳолати олдинга чиқади.



Расм. 6. Эпизистостома ва уретрал катетерлар

**Сийдик чиқариш каналидаги ёт жисмлар күп ҳолларда эркакларда учрайди.**

Сийдик чиқариш каналига ёт жисмнинг тушиши күпинча оғриқ билан кузатилади. Кейинчалик шиллик қаватнинг доимий шикастланиши сабабли инфекция күшилганда йирингли ёки қонли ажралма пайдо бўлади. Шиш кузатилади, бу бирламчи сабаби билан бирга ўткир сийдик тутилиши ривожланишигача сийишнинг яққол бузилишига олиб келувчи қўшимча механиқ омил бўлади.

**Қовук ўсмалари** пайдо бўлишининг кимёвий назарияси энг күп тарқалди. Биринчи канцероген моддалардан бири ароматик аминлар топилган. Кейинчалик аниқланишича, ароматик аминлар (В–нафтамин, бензидин)нинг ўзи эмас, балки уларнинг охирги метаболитлари – ортаминофеноллар типидаги модда канцероген таъсир кўрсатар экан ва у қовуқда ўсмалар ҳосил бўлишига олиб келади. Ароматик аминларнинг дериватларга жуда ўхшаш бўлган баъзи бир эндоген метаболитлар (скатол, индол ва бошқалар.) канцероген хусусиятга эга эканлиги кейинчалик маълум бўлди. Кўрсатилган модда соғлом одамларнинг сийдигида доимо бўлади.

Кимёвий канцероген модда қовуқка тушиб, унинг шиллик қаватига кўпроқ уриноген йўл билан таъсир қилиши аниқланган. Тасодифий эмаски, ўсма күпинча қовуқда пайдо бўлади, у ерда сийдикнинг шиллик қаватга тегиб ўтиши жом ва сийдик найдагига қараганда кўпроқ бўлади. Шу сабабли қовуқда сийдикнинг тутилиши, айниқса урологик касалликлари бўлган, инфравезикал обструкция билан кузатиладиган кекса ёшдаги эркакларда мухим патогенетик омил ҳисобланади. Хавфли гурухга баъзи бир саноат тармоқлари: босмахона, металл асбоблар куядиган, алюмин эритувчи, лок-бўёқ ишлаб чиқаридиган корхона, газ ҳужалиги ва смола ҳужалиги ишчиларини киритиш керак. Бошқа мухим хавфли омил чекиш бўлади, бу қовук ракидан ўлишга кўпроқ олиб келади. Лекин кўп омилли таҳлил кўрсатдики, чекишнинг таъсири ўсма жараёнининг босқичи ва мультифокаллигига бошқа омилларга қараганда бирмунча камроқ бўлади. Ионлаштирувчи нурланиш, баъзи бир дори

препаратлари (фосфамид, анальгетик аралашмалар ва б.) ҳам қовук ўсмалари пайдо булишининг хавфли омили булиши мумкин.

### **Ўткир сийдик тутилишининг дифференциал диагностикаси**

Табл. 1. Ўткир сийдик тутилиши билан кечадиган касалликларнинг дифференциал диагностикаси

Диагноз	Сийдик тутилишининг характеристи	Асосий белгилари
---------	----------------------------------	------------------

#### *Сийдикнинг тутилишига олиб келувчи органик тўсиқлар*

Қовук -уретра сегменти соҳасидаги тұғма нұксонлар	Аввал қысман, сурункали, кейин түлік, эктимол ўткир сийдик тутилиши	Сийиша қийналиш, ингичка сийиш. Инструментал ёки радионуклид текширишларда қовук- уретер сегментида тўсиқ ҳамда қолдик сийдик аниқланади.
Сийдик канали ташқи тешигининг имперфорацияси	Түлік	Боланинг түғилганидан сўнг 24 соат давомида сиймаслиги
Сийдик канали ташқи тешигининг торайиши	Сурункали прогрессирловчи	Суст, ингичка сийиш, сийиш пайтида қийналиш
Фимоз	Сурункали прогрессирловчи	Сийиш пайтида препуциал халтанинг шишиши, ингичка сийиш
Олатнинг ёт жисм билан кисилиши	Ўткир	Аанамнезидаги маълумотлар ва кўрик пайтида ташхис кўйилади.
Сийдик каналининг шикастланиши	Ўткир	Уретранинг чаноқ сужкларининг синиши билан бирга ёки алоҳида шикастланиши. Уретроррагия, баъзан сийдикнинг томчилаб чиқиб туриши, тери ости гематомалари.

		Уретрограммада сийдик каналининг шикастланишини аникланиши
Сийдик каналининг торайиши (уретра стриктураси)	Аввал қисман, сурункали, кейин тўлик, эхтимол парадоксал ишурия билан	Сийдик каналининг шикастланиши, гонорея анамнезида. Уретрограммада 24аш ёки бир нечта тораймалар аникланиши
Сийдик каналининг тоши	Ўткир	Анамнезида буйрак санчиғи. Сийиш пайтида сийдикнинг бирдан тұхтаб қолиши. Инструментал ёки рентгенологик текширишлар ёрдамида диагнони аниклаш.
Сийдик каналида ёт жисм	Ўткир	Анамнез маълумотлари, күрик, пальпация, инструментал ва рентгенологик текширишлар ёрдамида ёт жисмни аниклаш,
Сийдик каналининг ўсмаси	Аввал қисман, сурункали, кейин тўлик, эхтимол ўткир сийдик тутилиши	Баъзан уретрография. Уретроскопия вактида аникланади.
Сийдик каналининг ўсма ёки инфильтрат билан босилиши.	Сурункали прогрессирловчи, эхтимол ўткир сийдик тутилиши хуружлари билан.	Бармоқ билан ректал ва вагинал текширишлар асосида.
Простата безининг абсцесси	Ўткир сийдик тутилиши, дизурия.	Ректал текшириш натижалари.
Простата безининг хавфсиз гиперплазияси	Сурункали прогрессирловчи, эхтимол ўткир сийдик тутилиши хуружлари билан, баъзида парадоксал ишурия	Ёши 50дан ошган, бармоқ билан ректал текширувда простата бези катталашган, бир хил эластик қонсистенцияли, чеккалари аник, бир текис.

Простата безининг раки	Сурункали прогрессирловчи, эхтимол ўткир сийдик тутилиши хуружлари билан.	Ёши 50дан ошган, бармок билан ректал текширувда простата бэзи катталашган, ҳар хил катталиктаги тугун (лар) каттиқ қонсистенцияли ёки тогайсимон, чеккалари ноаниқ, нотекис.
Ковук буйинчаси ёки простата безининг склерози	Сурункали прогрессирловчи, эхтимол ўткир сийдик тутилиши хуружлари билан, баъзизда парадоксал ишурия	Кўпинча кекса ёшлиларда, баъзан ҳар қандай ўшда ҳам учраши мумкин. Бармок билан ректал текшириш (кичкина, каттиқлашган без) эндоскопия ва цистография натижалари.


### *Нейроген бузилишилар*

Бош миянинг зарарланишлари (кон қўйилишлар, тромбоз ва б.)	Ўткир	Бош мия зарарланиши оқибатида неврологик симптомлар кузатилади
Орқа миянинг шикастланишлари	Ўткир, кейинчалик тўлиқ сурункали сийдик тутилиши	Анамнезидан травма олганлиги. Органик ўзгаришларнинг йўклиги, параплегия, дефекациянинг бузилиши
Орқа миянинг бошқа хил зарарланишлари	Сурункали	Айни касалликка хос белгилар (усма, туберкулезли спондилитда кисилиши ва б.)
Қовукнинг бирламчи атонияси	Сурункали прогрессирловчи, эхтимол ўткир сийдик тутилиши хуружлари билан.	Сийишга тўскинилик қилувчи органик ўзгаришлар ёки марказий нерв системасининг касалликларининг йўклиги.
Рефлектор сийдик тутилиши	Ўткир	Бевосита травмадан сўнг ёки оператив амалиётдан сўнг кузатилади.

## Қовуқни катетеризация қилиш

Врач урологлар томонидан энг күп бажариладиган амалиётлардан бири бу қовуқни катетеризация қилиш хисобланади. Уретра орқали қовуқка катетерни ўрнатиш тиббиётда энг осон амалиётлардан бўлиши билан бир қаторда, ижроидан (айникса эркакларда катетеризация қилиш) шу соҳанинг анатомиясини яхши билишни талаб килади. Шу билан биргаликда ушбу муолажани бажаришдан олдин шифокор (ёки ҳамшира) албатта мукаммал амалий қўникмага эга бўлиши лозим. Акс ҳолда беморларда оғриқ пайдо бўлишига, сийдик йўлларига инфекция тушиши, уретранинг шикастланиши ва уретрадан ўринсиз қон кетиши каби асоратлар келиб чикишига олиб келиши мумкин.

Хозирги вактда катетерларнинг бир неча хил турлари ва моделлари мавжуд бўлиб, улар юмшоқ, ўрта қаттикликтаги ва қаттиқ (яъни) metall катетерларга булинади (расм 7).




Расм 7. Қовуқни найлаш учун ишлатиладиган катетерлар:

а – Нелатон; б – Тимман; в – Пециер; г – Малеко; д – Мерсье; е – Гюйон (инстиллятор); ж, з – эркаклар металл катетери; и – аёллар металл катетери; к – Фолей катетерлари

Шулардан урология амалиётида күпроқ қуидаги катетерлар құлланилади (Nelaton ёки Foley катетерлари). Агарда қовук бұшлиғидан қон кетаётганда ёки уни узоқ вақт давомида ювишга эхтиёж бўлганда З каналли Foley катетерлари ишлатилади. Бундай катетерлар қовукка уретра орқали киритилади. Уретра шикастланишларида, яллигланишларида ёки сийдик каналида структуралар мавжуд бўлганда эса қовукдаги сийдикни чиқариш учун маҳсус (қов усти) катетерлардан фойдаланилади. Булар – Пеццер найи, Малеко ёки Foley катетерлари ҳисобланади. Қовук бұшлиғига ушбу катетерларни қов устидан пункция қилиш (траакар перкутан) ёки оператив (эпцистостомия) усул билан ўрнатиласди.

*Nelaton катетери* кўринишидан оддий, тўғри узун найча бўлиб ингичкалашиб борган учи томонида 2 та тешикчаси бор ва охирида, яъни қарама-қарши томонида эса сийдик тўпловчи халтачага улаш учун маҳсус мосламаси мавжуд (расм. 8). Бундай катетерлар амалиётда асосан қовукни бир марталик ёки қайта катетеризация қилиш мақсадида қўлланилади.



Расм. 8. *Nelaton катетери*

*Foley катетери.* Фолей катетерининг бир неча хил шакли ва турлари тафовут қилинади. Ушбу катетернинг асоси ҳам айни Nelaton катетеридан олинган бўлиб, латексли резинадан ёки силикондан тайёрланади. Унинг учи томонида Nelaton катетеридан фарқли маҳсус шишириладиган баллончаси бор,

охирида эса шу баллончага суюқлик ёки хаво юбориш учун махсус қўшимча мослама мавжуд. Ушбу мослама билан баллончани катетернинг ички деворидан ўтказилган ингичка найда бирлаштириб туради. Баллончани тўлдириш учун (max) лозим бўлган суюқликнинг миқдори катетернинг охирида кўрсатилган бўлади (млда) (расм 9).

Катетер охиридаги махсус мосламанинг (наконечник) ичида клапан бўлиб, у баллончага юборилган суюқликни ёки хавони ўз-ўзидан орқага қайтиб чиқишига йўл кўймайди.

Фолей катетерини урология амалиётида Nelaton катетеридан фарқли равишда, асосан ковук бўшлигини узокрок муддатга наилаш мақсадида қўлланилади. Масалан: беморлар ўзи мустақил сия олмагандан (касалликлар сабабли), оғир bemорларга интенсив даволаш муолажалари ўтказилаётганда диурезнинг миқдорини мунтазам кузатиш зарур бўлганида ёки операциядан кейинги даврдаги кузатувларда Фолей катетерининг ишлатилиши мақсад мувофиқ хисобланади.



Расм 9. Foley катетери

Фолей катетерининг 3-каналли шакллари бошқача қилиб «гемостатик катетер»лар деб ҳам юритилади. Бундай махсус Foley катетерининг деворида яна қўшимча найда ўрнатилган бўлиб, у баллондан дистал томонга очилади

(расм 10). Шу канал орқали қовук бүшлигига суюқлик мунтазам юборилиб, қонлахталари пайдо булишини олдини олиш мақсадида, ювиб турилади (масалан илик физиологик эритма, антисептик суюқлик).

Қов усти катетерларнинг ташқи кўриниши, умуман олганда, Nelaton ёки Foley катетерларидан деярли ухшаш хисобланади.



Расм 10. 3-каналли Foley катетери. а – умумий кўриниши; б – каналлар жойлашишининг схемаси

Асосий фарқи – учи томонида овальсимон (Пещер катетери) ёки крестсимон (Малеко катетери) шаклда кенгайган булиб, катетерни қовуқка киритиш усулидадир. Қов усти катетери тери орқали қов суягини юқорисидан қовуқка ўтказилади (расм 6, 11). Ушбу муолажани ультратровуш назоратида амалга оширилади. Пункцияни бажариш вақтида ичак қовузлоғни шикастлаб қўймаслик мақсадида, қовук бүшлигига илик антисептик эритма юборилади. Қориннинг пастки соҳаси дўмпайиб чиқиб, қовук контурларини аниқлангандан сўнгина, махаллий оғриқсизлантириш остида муолажа «тери орқали цистостомия операцияси» бажарилади. Қовуқда катетерни узоқ муддатга қолдиришга мажбур бўлган холатларда (масалан: параплегияд) қовуқни тери орқали қов устидан дренажлаш муолажаси ўтказиш жуда яхши самара беради. Муолажа ичакларга травма еткизмаслик учун ультратровуш назоратида сийдик пуфаги аниқ белгиланиб бажарилади. Nelaton ва Foley катетерларининг учлари ҳар хил шаклда булиши мумкин. Бундай шаклдаги катетерларни сийдик канали (уретра)нинг айникса простата қисмида тусилиш бўлганда (мос

катетер танланиб) қовук бүшлигини дренажлашда құллаш мақсадға мувофиқдир.



Расм 11. Эпцистостомия. Қов усти катетери терига фиксация қилинганды

## ҮТКИР СИЙДИК ТУТИЛИШИДА МУТАХАССИС – ВРАЧНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

Үткир сийдик тутилишининг сабабларини аниқлаш (УЗИ ва рентгенологик текширувлар ёрдамида).

- Қовуқни катетеризация қилиш - бир вактнинг үзіда ҳам диагностика, ҳам даволаш мақсадида бажариладиган муолажа хисобланади. Одатта беморлар бирданига енгил тортади, чиқаёттан сийдикнинг ҳарактерига күра диагнозига аниқлик киритиш мүмкін бұлади.

- Адекват антибактериал, дезинтоксикацион ва яллигланишга қарши даво муолажалари үтказилади. Агар лозим бўлса шокга қарши ва гемостатик комплекс даво муолажалари бажарилади.

- Үткир сийдик тутилишига олиб келган сабабларни бартараф қилиш. Эхтимол зудлик билан операция үтказиш, масалан, қовук ёрилганданда, уретра травмаларида.

Үткір сийдик тутилишида зудлик билан қовуқдаги сийдикни чиқарып ташлаш лозим.

Қовуқдан сийдикни эвакуация қилиш қуйидаги 3 хил йүл билан амалға оширилади:

- 1) қовуқни катетеризация қилиш;
- 2) қов усти сийдик оқмасини шакллантириш, (цистостомия),
- 3) қов устидан қовуқни капилляр пункция қилиш.

#### **Эркакларда ва аёлларда қовуқни катетеризация қилишга күрсатма:**

- Қовуқда сийдикнинг тұпланиб қолиши, яғни мустақил сийишининг умуман имкони йўклиги.
- Қовуқдаги қолдик сийдик миқдорини аниқлаш учун (яхшиси буни каминвазив усуллар ёрдамида амалға ошириш мақсадға мувофиқдир масалан, УТТ).
- Оғир беморлар парваришида сийдик тутолмаслик сабабли (масалан, ётоқ яралар бўлганда, оралиқ соҳаси терисининг мацерациясида).
- Массив гематурияда, тұпланиб қолган қон лахталари хисобига қовук тампонадаси содир бўлганида (3-каналли Фолей катетеридан фойдаланиш лозим).

#### **Қандай үлчамдаги ва қайси типдаги катетердан фойдаланиш керак?**

Одатда эркак ёки аёл кишига катетер қўйишда диаметри 18 French (баъзида – 16 Fr) бўлган катетерлардан фойдаланилади. Амалиётда ингичка катетерлар сийдик йўлларини кам таъсирлайди деган тушунча нотўғри хисобланади. Чунки ингичка катетерлар эгилувчан бўлади, уретранинг шиллик қаватига тирагиб қолиб қовуқ бўшлиғига ўтказишга қилинган самарасиз уринишлар унинг деворини шикастланишига олиб келади.

• Қоидага кўра, қовуқдаги миқдори 500 млдан ошмаган ўткір сийдик тутилишларини бартараф этиш учун Nelaton катетеридан фойдаланилади. Агарда қовуқда 500 мл дан кўп миқдорда сийдик тутилган бўлса, унда яхшиси, Foley катетери кўлланилади. Бундан ташқари, қовуқда катетерни бирмунча

узокроқ муддатда ушлаб туришга эхтиёж бўлганида ҳам яхшиси Фолей катетеридан фойдаланиш лозимдир.

• Амалиётда кўпчилик холатларда тўгри катетерлардан фойдаланган маъкул. Учи қайрилган катетерлар эса айрим ҳолларда, яъни уретранинг простата қисмидан осонрок ўтказиш мақсадида кўлланилади. Бундай катетерлардан фойдаланиш учун врачнинг етарли малакаси бўлиши лозим, акс холда катетерни қовуқка ўтказиш учун нотўгри ҳаракат қилинганда уретранинг шикастлаб қўйиш эхтимоли бор. Учи қайрилган катетерларни нотўгри кўллаш оқибатида уретроррагия юзага келиши ва шикастланишлардан сўнг эса уретра структуралари каби асоратлар ривожланиши мумкин.

**Эркакларда қовуқни катетеризация қилиш техникаси:** Бемор чалқанчасига ётган холатда:

1. Агарда bemorga циркумцизия қилинмаган бўлса ёки фимоз аломатлари бўлмаса, олат кертмаги ортга сурилади.

2. Курсаткич ва бош бармоқлар ёрдамида олатнинг бошчаси тож эгати соҳасидан ушланиб, тортилади ва уретранинг биринчи букилмаси (эгрилиги) тўгриланади.

3. Уретрадан ўтказилаётган катетернинг (мойлаб) ҳаракатини яхшилаш мақсадида бир неча миллилитр (анестезияловчи) гель шприцга олиниб уретра ташки тешигига юборилади.

4. Катетерни қовуқка юборищдан аввал унинг учига махсус сийдик йигадиган халтача уланади. Катетерни эхтиётлик билан то енгил тўсиқка дуч келгунга қадар юборилади, бу уретранинг иккинчи эгилмаси ҳисобланади.

5. Олатни тортиб пастга йўналтириш билан бир вақтда катетерни юборишни давом эттирилади. Катетерни уретранинг простата қисмидан ўтказиш вақтида озроқ юқорига кўтарилади.

6. Катетер қовуқка тушганида уни чуқурроқ (то охиригача) киритиш лозим, бу катетеризациянинг асосий шартларидан саналади: кўпчилик холатларда Фолея катетерини қовуқка ўрнатишда унинг баллончасини уретранинг простата қисмида шишириб қўйишади, бу нотўғридир. Қовуқка катетер тушганида ундан

сийдик ажралып чиқа бошлайды, шунга карамасдан уни яна чукуррок киритиш лозимдир.

7. Фолей катетери қовуққа чукур киритилгандан сүнг унинг баллончаси сув ёрдамида (факат физиологик эритма эмас) тўлдирилади. Одатда баллонга 10-15 мл суюқлик юборилади. Сүнгра катетерни аста-секинлик билан орқага тортилади, то қовуқнинг буйинчаси соҳасига келгунича, коидага кўра катетердан сийдик оқими яхшиланади. Агарда катетердан сийдик дархол чикмаса бу қовуқ атонияси борлигидан далолат беради, бунда кориннинг пастига кўл билан енгил босиб ёрдам берилади.

**Эркакларни катетеризация қилишда муаммо келтириб чиқарадиган сабаблар:**

**Фимоз:**

- Олат кертмагининг тешиги етарли даражада кенгайганида: уни қўйиб юбормасдан катетерни қовуққа йўналтириш лозим.
- Олат кертмагининг тешиги жуда тор бўлганида: аввал уни қисқич ёрдамида кенгайтириб олиб кичикроқ ўлчамдаги катетердан фойдаланиш керак ва аста-секин қовуққа йўналтириш лозим.

*Катетерни бирданнiga қайиқсимон чуқурчадан ўтказиш имкони бўлмаганида:*

- Уретрал буж ёрдамида бироз кенгайтириб кичикроқ размерли катетердан фойдаланинг.

*Катетерни уретранинг простата қисмидан ўтказиш имкони бўлмаганда:*

- Каттароқ диаметрли катетердан фойдаланинг. Бу холат сизга тушунарсиз бўлиши мумкин, аммо худди шундай. Доимо эсингизда туting уретранинг простата қисми тор бўлмайди, аксинча уни ўраб турган простата бези билан босилади. Шу сабабли ҳам каттароқ размердаги катетер простата бези бўлакларини итариб, қаршиликни енгади ва уретрадан осон ўтади.
- Силиконли катетерлардан фойдаланинг, улар латексли катетерларга нисбатан қаттиқроқ бўлади.
- Учи эгик Foley катетеридан фойдаланинг. Бунинг учун сиз етарли даражада малакага эга бўлишингиз лозим (акс холда уретра жарохатланиши

мумкин).

- Катетерни қовуқка йўналтириш пайтида ўтказгичлардан фойдаланинг, у катетерни қаттиқлигини ошириш билан бир каторда бошқаришга ёрдамлашади

*N.B. Ёдингида тутинг, қаттиқ ўтказгичлардан фойдаланиши хавфли хисобланади, шунинг учун бундай катетерлардан амалиётда тажрибали уролог врачлари қўллагани мақсадга мувофиқдир.*

*Катетерни қовуқ буйинчасидан ўтказиши имкони бўлмаса:*

- Кичикроқ ўлчамдаги катетердан фойдаланинг.
- Қаттиқ ўтказгичлардан фойдаланинг (аввал юқоридагиларни диккат билан ўқинг).

*N.B. Қовуқда узоқ вақт давомида катетер сақланганда ёпиқ системадан фойдаланишини ёдда тутинг. Бунда маҳсус сийдик тұпловчи халтачадан қўллашни ва уни кунда 1 марта алмаширишини унумтандыгы (расм 12).*



*Расм. 12. Сийдик тигизи учун маҳсус халтача*

Уретрал катетерни ўтказишга кучли обструкция хисобига имкон бўлмаса, ёки уретрал катетер турган пайтида даволаб бўлмайдиган простатит ҳолатларида, ҳамда қовуқдаги катетер узоқ вақт давомида туриши керак бўлган ҳолатларда тери орқали қовуқни пункцион катетеризацияси ўтказилади (расмлар 13, 14).



Рис. 13. Қовуқни пункцион катетеризация қилиши учун инструментларнинг стандарт түрлами



Рис. 14. Қовуқни тери орқали пункцион катетеризацияси

## ҮҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

### Холатий масалалар

1. 28 ёшдаги бемор сув хавзасида чумилганидан сүнг ўткир сийдик тутилиши, тана ҳароратининг 38-39 градусга кўтарилиши, қовуқ усти ва оралиқ соҳаларида оғриқ кузатилмокда. Олдин сурункали простатитдан даво олган.

- Тахминий ташхис
- Ташхисни исботлаш учун қайси физикал текширувлар амалга ошириш лозим?
- Қайси инструментал текшириш усулларини қўллаш лозим?
- Биринчи тез тиббий ердам.
- Даволаш?

2. 30 ёшли bemorda сийиш акти вактида сийдик тутилган ва бу ҳолатдан кейин сийиш кузатилмаган.

- Сизнинг ташхисингиз?
- Кандай текширув ўtkазиш лозим?
- Даволаш тактикаси?

3. Бемор А., 70 ёшда, врач хузурига 1 сутка давомида сийдик ажралмаётганлиги туфайли мурожаат қилиб келди. Физикал текширувларда куйидаги диагноз кўйилди: Простата безининг хавфсиз гиперплазияси. Ўткир сийдик тутилиши.

- Кандай қўшимча объектив текширувлар ўtkазиш керак?
- Кандай биринчи ёрдам кўрсатиш лозим?
- Кейинги терапевтик даво тадбирларини аниклаб беринг?

4. Бемор И., 39 ешда, гинекологик операциядан (кесар кесиш) кейинги 3 кун давомида сийдик ажаралмаяпти, икки томонлама бел соҳасида симилловчи оғриқ, оғиз қуриши ва умумий холисизлик кузатилмокда.

- Тахминий ташхис?

- Қайси касаллик билан киёсий ташхислаш лозим?
- Қон биохимик тахлилида кузатилиши мүмкін бўлган ўзгаришлар?
- Қандай инструментал текширувларни амалга ошириш керак?
- Беморни даволаш тактикаси?

5. Бемор 70 ёшда, простата бези гиперплазияси фонида ўтқир сийдик тутилиши юзага келди. Поликлиникага мурожаат қилганда қовуқни металл катетер билан катетеризация қилишга ҳаракат қилинди, аммо катетер қовуқка ўтмади ва уретроррагия пайдо бўлди. Сийишга хохиш янада кучайди.

- Даволаш тадбирда қандай хатоликка йул қўйилди?
- Қандай асорат юзага келган?
- Бундай холатда нима қилиш керак?
- Қандай даво муолажаси ўтказиш лозим?

## РАСМЛИ ТЕСТЛАР

1. Қуидаги расмда ўткир сийдик тутилиши бўлганда беморларда аниқланадиган қандай объектив симптом ифодаланган?




- A) Оралиқ соҳада оғрик;
- B) Қовукнинг катталашуви;
- C) Воскресенский симптоми;
- D) Аэроколия симптоми.

2. Қуидаги расмда қайси катетер билан манипуляция ўтказилмоқда?




- A) Нелатон катетери;
- B) Металл катетер;
- C) Фолей катетери;
- D) Адемер катетери.

3. Қуидаги расмда қайси катетер ёрдамида қовуқ бўшатилмоқда?



- A) Нелатон катетери;
- B) Металл катетер;
- C) Фолея катетери;
- D) Адемер катетери.

4. Қайси мақсадда сийдик йүлини стентлаш үтказилади?



- A) Сийдик поссажини тиклаш учун;
- B) Диагностика мақсадыда;
- C) Профилактика мақсадыда;
- D) Тошларни майдалаш мақсадыда.

5. Үткір сийдик тутилишига олиб келувчи қайси сабаб расмда құрсатилған?



- A) Сийдик пуфаги жарохати;
- B) Сийдик пуфаги экстрофияси;

- C) Сийдик пуфаги атрофияси;
- D) Простата бези гиперплазияси.

### Расмли тестларнинг жавоблари

- 1-B.
- 2-B.
- 3-C.
- 4-A.
- 5-D.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Возианов А.Ф., Люлько А.В. Атлас - руководство по урологии в 3 томах. Т.1; 65.
2. Голигорский С.Д. Очерки урологической симптоматики и диагностики. Кишинев, 1969.
3. Лопаткин Н.А. Урология. М. 2007.
4. Лопаткин Н.А., Даренков А.Ф., Горюнов В.Г. “Урология” Москва, Медицина 1995.
5. Матвеев Б.П., Бухаркин Б.В., Матвеев В.Б. Рак предстательной железы. М., 1999. 153.
6. Окилов Ф. А. Бегалиев У.Э. Мухтаров Ш. Т. Мирхамидов Ж. Х. Худойбердиев Х. Б. “Урология” Тошкент-2011.
7. Пасечников С.П. Урология. Винница. «Нова Книга». 2015.
8. Пушкарь Д.Ю. Урология. М. 2013.
9. Степанов В.Н., Кадыров З.А.“Атлас лапароскопических операций в урологии” Издательство “Миклош” М. 2001.
10. Ханно Ф. М., Малкович С.Б., Вайн А. Дж. Руководство по клинической урологии. Пер. с англ. М.: Медицинское информационное агентство, 2006; 274–294.
11. Barry M.J. et al. The natural history of patients with benign prostatic hyperplasia as diagnosed by North American urologists. J. Urol. 1997. Vol. 157. P. 10-15.
12. Brawer MK, Chetner MP, et al. Screening for prostate carcinoma: with prostate-specific antigen. J. Urol. 1992; 147:841.
13. Stamley T.A., Kabalin J.N., McNeal J.E. et al. Prostate specific antigen in the diagnosis and treatment of adenocarcinoma of prostate. II. Radical prostatectomy treats patients. J. Urol. 1989; 141:1076-83.
14. [www.moodle.sammi.uz](http://www.moodle.sammi.uz)
15. [www.wikipedia.ru](http://www.wikipedia.ru)

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
Машгулотнинг услубий режаси.....	6
Ўткир сийдик тутилиши.....	9
Ўткир сийдик тутилишининг этиологияси.....	9
Ўткир сийдик тутилишининг патогенези.....	11
Ўткир сийдик тутилишининг диагностикаси.....	11
Парадоксал ишурия.....	13
Сийдик тутилишига олиб келадиган касалликлар.....	14
Ўткир сийдик тутилишининг дифференциал диагностикаси.....	23
Қовуқни катетеризация қилиш .....	26
Ўткир сийдик тутилишида мутахассис – врачнинг ҳаракатлари.....	30
Эркакларда ва аёлларда қовуқни катетеризация қилишга кўрсатма.....	31
Қандай ўлчамдаги ва қайси типдаги катетердан фойдаланиш керак?.....	31
Эркакларда қовуқни катетеризация қилиш техникаси.....	32
Эркакларни катетеризация қилишда муаммо келтириб чиқарадиган сабаблар.....	33
Ўқув топшириклари. Холатий масалалар.....	36
Расмли тестлар.....	38
Адабиётлар.....	41
Мундарижа.....	42

Теришга берилди 2.11.2015 г. Чоп этишга рухсат этилди 5.11.2015 г.

Формат 42x60 1/16. Қоғоз оғсет. Босма оғсет.

Нашр ҳисоб л. 2,625. Адади 50 нұсха. Буюртма № 270.

---

Самарқанд Давлат тиббиёт институти босмахонасида чоп этилди

Самарқанд ш., А. Темур күч., 18